


ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ФАНЛАР

1/2014



МУНДАРИЖА

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Кенжаев Ш., Хайдаров Р. Бўлажак педагогларда ахлоқий ва касбий маданияни шакллантириш	9
Аджимбетова Р.У. Адолат ғоялари миллий давлатчилик ва исломий кадриятлар билан узвий боғлиқлиги	11
Ланцева О.В. Маънавият тўғрисидаги қарашларнинг ривожланиши	14

МОЗИЙ ВА МЕРОС

Ражабов Р., Широнова Ф. Тарих фани методологияси нима у ?	20
Махмудова Г.Т. Авесто диний доктринасида моддий ва маънавий олам масалалари	24
Раззоқов А.А. Форобийнинг раҳбарлик мезонларига оид қарашлари	28
Юлдашев И.Ж., Мирсағатова Н.С. Алломалар меросида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги талқини	33

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Артикова М.Б., Тўрабоева М.Р. Глобаллашув жараёнида таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш масалалари	39
Мирзаев С.А. Олий таълим тизимида илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш масалалари	43
Юсупов Р.М., Алимов Б.Н., Таълим муассасаларида ахборот-коммуникацион таълим муҳитини яратиш: муаммолар ва ечимлар	46
Қамбаров М.М. Бўлажак ўқитувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш	51
Шорустамова Д., Воҳидова Н.Х. Фанлараро интеграция педагогик муаммо сифатида	54
Касимова З. Иқтисодий тарбия шахс ривожланишининг омили сифатида	58
Абдумаджидова Д. Р. Ўзига ишонган шахснинг психологик ўзига хослиги	62
Ҳамдамов Ҳ., Тешабоев А. Олий ҳарбий таълим тизимида ҳарбий психология фанини ўқитишнинг долзарб муаммолари	66
Марасулова У. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини адабий таҳлил қилиш орқали ўқувчиларда назарий тушунчаларни шакллантириш методикаси	70

ФАЛСАФА

Ортиқов О. Ижтимоий-фалсафий мерос: талқин ва моҳият	75
Расулова М.А., Хикматов Ф.Х. Террористик ва антитеррористик ҳаракатлар стратегияси қиёсий таҳлили (АҚШ мисолида)	78
Арипова З., Айсачева З.А. Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаши	82
Куанишова Д.Т. Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатларининг ҳимояланиши	85
Мухторова Т.С., Мухторова Қ.Ч. Фуқаролик жамияти институтлари тизимида хотин-қизларнинг ўрни	89
Кадырова З.Р., Кадырова Ф.Р., Шарипов А.Д. Инновация-замонавий таълим	

жараёнининг сифати ва самарадорлигини таъминлашда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш натижасида деярли барча таълим олувчилар дарс жараёнига тўла жалб этилиб, уларнинг дарсга қизиқишлари, мустақил билим олишлари, дунёқараш ва тафаккурининг кенгайишига имкон яратади. Ўқув фаолиятини ҳамкорликда ташкил этиш, онгли равишда билим олишга йўллаш, фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттириш ва шахснинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда имкониятларига шароит яратиб беради.

Адабиётлар

1. Каримов И. А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги Халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан. – Т., 2012 йил, 17 феврал.
2. Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Ш. Курбонов, Ҳ. Саидов, Р. Аҳлидинов. – Т.: Шарк, 1999 йил.

Мирзаев С. А. (АндМИ)

Олий таълим тизимида илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш масалалари

Мақолада Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида замонавий талаблар асосида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, уларни ахборот-коммуникация технологияси ва чет тилларни ўзлаштириш борасидаги масалалар ёритилган.

В статье освещены вопросы проводимых мероприятий, отвечающих современным требованиям, по подготовке научно-педагогических кадров в системе высшего образования Узбекистана, повышении их квалификации, а также освоении ими информационно-коммуникационных технологий и иностранных языков.

In article questions of the held events meeting the modern requirements, for preparation in system of the higher education of Uzbekistan of scientific and pedagogical shots, increase of their qualification, and also development by them of information and communication technologies and foreign languages are consecrated.

Таянч сўз ва иборалар: модернизация, динамика, инновация, тенденция, технология, ахборот-коммуникация технологияси.

Ключевые слова: модернизация, динамик, инновация, тенденция, технология информационно-коммуникационных технологий.

Key words: modernization, loudspeaker, innovation, tendency, technology.

Ўзбекистонда Олий таълим тизимининг мақсади, янги институционал механизмларни барпо этиш, таълимнинг узлуксизлиги тамойилини амалга ошириш йўли билан кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашдан иборатдир. Бу эса олий таълим тизимини такомиллаштириш билан бирга ўқув фаолиятида замонавий, илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали жорий этишни тақозо қилади.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг моддий – техник базасини модернизация қилиш, уларни замонавий асосда жиҳозлаш, кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчи ва домлалар меҳнатини рағбатлантириш бўйича

қабул қилинган дастурга мувофик, яқин келгусида бу борада 300 миллиард сўм миқдордаги маблағни йўналтириш режалаштирилган. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Ўзбекистон таълим тизимини янги, юксак босқичга кўтариш йўлидаги яна бир улкан кадам бўлиши муқаррар, албатта»[1].

Демак, олий таълим тизимини инновацион ривожлантириш, шу жумладан, иктисодиётнинг динамик ўзгартиришларини кадрлар билан таъминлаш, замонавий олий таълим муассасасини ташкил этиш каби вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонунининг 15-моддасида олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳақида сўз юритилиб, унга асосан, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади. Мазкур қонуннинг 16 - моддасида эса, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди[3], деб таъкидланади.

Педагог кадрларнинг йирик илмий ёки илмий-методик семинарлар, конференцияларда қатнашиши уларга ахборот ва иш тажрибаси билан алмашиш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий тенденциялари ва илғор таълим технологиялари билан танишиш имкониятини беради, уларнинг касб малакаси даражасининг ўсишига кўмаклашади[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 20 майдаги ПҚ-1533-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26-сентябрдаги 278 – сонли қарори қабул қилинди. Унга биноан, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича 5 та минтақавий ҳамда 10 та тармоқ марказлари ташкил этилди[5].

Минтақавий марказлар Қорақалпоғистон, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона давлат университетлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида ташкил этилиб, уларда таълим соҳалари бўйича олий таълимнинг долзарб масалалари, Интернет глобал тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогика, ахборот технологияларини жорий этиш, педагогик маҳорат, маънавият асослари ҳамда педагогларнинг тахлилий ва ижодий фикрлашини рағбатлантиришга йўналтирилган малака ошириш курслари фаолият юритмоқда.

Тармоқ марказлари эса, ушбу тизимда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг, инновацион илмий ютуқларни, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологияларнинг истиқболда ривожланишини жорий этмоқдалар.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва Интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларини пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмаслигини барчамиз яхши англаб олмақдамиз”[6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10-декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1875 қарори[7] ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2013 йил 1-апрелдаги № 104 сонли буйруғига асосан, мамлакатимиздаги 16 та олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитувчилари учун малака ошириш курслари ташкил этилди. Мазкур курсларни тамомлаган инглиз тили

мутахассислари ҳозирда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор – ўқитувчилар учун ташкил этилган чет тилларини ўзлаштириш курсларида дарс машғулоти олиб бормоқдалар.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни янада такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 29 октябрдаги “Олий таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ҳамда чет тилларни ўргатиш курсларини ташкил этиш тўғрисида” ги 395-сонли буйруғи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хусусан, Андижон машинасозлик институтида ҳам “Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари” ўқув курслари ташкил этилиб, профессор – ўқитувчилар билан махсус жадвал асосида жами 6 та гуруҳда 94 соатдан, умумий 564 соатлик дарс машғулоти олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий – педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ – 1875 – сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек магистратурада тайёрланадиган кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш, магистратурага илмий фаолият юритиш қобилиятига эга бўлган ва чет тилларни чуқур биладиган абитуриентларни қабул қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10-июлда қабул қилган № 199 - сонли қарорига асосан, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган илмий – педагогик ходимлардан “илмий ва илмий – техник ахборот билан ишлаш кўникмалари ва укувларини шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишда мустақил таҳлил ва хулосани тайёрлаши; илмий ижод методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқотлар усуллари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усуллари, шунингдек, нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологиялар, мутахассисликлар бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши; амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирадиган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши” талаб этилади[8].

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида олий малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини замонавий талаблар даражасида босқичма-босқич мунтазам равишда амалга оширилиши ва келгусида ўз самарасини бериши бўйича юртимизда барча моддий асослар яратилган.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Абдулқосимов Ҳ.П., Минаварова Г.Т., Каримова Д.А. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўллари. – Т.: Иқтисодиёт-молия, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон.
4. “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 25-сон, 2006 йил 16-феврал. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7 сон.
5. “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 278-сон, 2012 йил 26-сентябр. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон.
6. “2014 йил – юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Президент Ислоҳ Каримовнинг 2014 йил 17 январ кунги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 18.01.2014.
7. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2012 йил 10-декабр, ПҚ-1875, “Халқ сўзи” газетаси, 11.12.2012.
8. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 2013 йил, № 7, 45-модда.

Юсупов Р.М. (ЖДПИ),
Алимов Б.Н. (ЎЗДСМИ)

Таълим муассасаларида ахборот-коммуникацион таълим муҳитини яратиш: муаммолар ва ечимлар

Мақолада ахборот таълим макони, ахборот таълим муҳити тушунчалари таҳлил қилинади. Таълим муассасаларида яратиладиган ахборот-коммуникацион таълим муҳитига қўйиладиган асосий талаблар, бундай муҳитни яратиш босқичлари, муҳитнинг асосий вазифалари аниқланади.

В статье анализируются понятия «информационное пространство», «информационно-образовательная среда». Определяются основные требования, предъявляемые к информационно-коммуникационной образовательной среде, создаваемой в образовательных учреждениях, этапы создания и основные задачи среды.

The article analyzes the core of information source. Moreover, the primary requirements of ICT being set at the educational establishments are stated. Additionally, the stages through which the ICT appliances get evolved are highlighted.

Таянч сўз ва иборалар: ахборот макони, ахборот-таълим муҳити, ахборот-коммуникацион таълим муҳити, педагогик лойиҳалаш.

Ключевые слова: информационное пространство, информационно-образовательная среда, информационно-коммуникационная образовательная среда, педагогическое проектирование.

Key words: information source, information area, information-education area, making pedagogic projects.

Бугунги кунда, биз, ахборот маконида яшамоқдамиз ва у таълим жараёнига кучли таъсир кўрсатмоқда, шу боис таълим амалиётига “ахборот макони”, “ахборот-таълим макони” каби атамалар кенг кириб келмоқда.

“Ахборот макони” тушунчасини ўз ичига материалли (турли кўринишдаги ахборот ташувчилар, узатиш, саклаш қурилмалари ва бошқалар) ва модели (ахборот оқими, ахборот майдони ва бошқалар) объектларни олувчи ахборотнинг мавжудлик шакли сифатида аниқлаш мумкин, унга тузилмавийлик ва кўламлилиқ каби хусусиятлар ҳам хос.

Ахборот-таълим макони - ахборот таълимий мақсадлар учун фойдаланиладиган макон. Ахборот маконининг мақсади эса, ахборот-таълим макони мақсадига нисбатан кенгроқ. У инсоннинг ўз бўш вақтини ташкил этиш имконияти ҳақидаги ахборот (шу